O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 13-sentabr, chorshanba, 37 (367)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta



O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Мустақиллик иншоотлари



ПОЙТАХТИМИЗ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Азим шаҳримиз Тошкент тобора чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллик байрами арафасида ташқи кўриниши, дизайни жиҳатидан ва умуман ҳар томонлама жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган иншоотлар қурилиб ишга туширилдики, уларни кўрган кишининг кўзи қувониши шубҳасиз. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, янги Бизнес марказий бинолари пойтахтимиз ҳуснига ҳусн қўшди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Сирдарё вилояти Боёвут туман кенгаши ташаббуси билан 23-ўрта мактабда «Илм имкониятлар сари етаклайди» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Самарқанд шаҳар кенгаши ташаббускорлигида СамДУ қошидаги Компьютер технологиялари коллежида «Устоз отангдек улуғ» номли тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Самарқанд вилояти Нуробод туман кенгаши ташаббуси билан «Биздан озод ва обод юрт қолсин» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилояти Қўшкўпир туман кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Истиқлол илҳомлари» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Наманган вилояти Норин туман кенгаши ташаббуси билан «Мустақиллик — энг буюк неъмат» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қарши туман кенгаши ташаббуси билан «Ертепа» маҳалла фуқаролар йиғинида «Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат ва ўзаро ҳамкорлик йўли» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

Партиянинг Жиззах вилояти Зомин туман кенгаши ташаббуси билан «Сени мадҳ этамиз, Истиқлол!» номли тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан С.Насафий номидаги вилоят кутубхонасида шаҳар «Маънавият ва маърифат» бўлими билан ҳамкорликда «Ватан ягонадир, Ватан биттадир!» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгашининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Наманган вилояти Тўрақўрғон туман кенгаши ташаббуси билан Тўрақўрғон шаҳар маданият саройида «Шу азиз Ватан барчамизники» шиори остида турли миллат вакиллари иштирокида фестиваль ўтказилди.

* * *

Партиянинг Хоразм вилояти Боғот туман кенгаши ташаббуси билан «Мактабга эътибор — келажакка эътибор» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Истиқлол қадри

Ўзбекистон халқи яқинда ўз Мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлади. Истиқлол туфайли миллий онг, миллий ғуруримиз тикланди, аждодларимиз томонидан яратилган бой моддий ва маънавий маданиятимизга бўлган меҳр ортди. Мустақиллигимиз шарофати билан Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Имом ал-Мотуридий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби ўнлаб дунёвий ва диний йўналишда фаолият кўрсатган олиму уламоларимизнинг, машҳур давлат арбоби ва саркардаларимизнинг номлари тикланди.

МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ СЎНМАСИН

Барча вилоятларда уларни хотирлаб, бой меросларини келажак авлодларга етказиш мақсадида анжуманлар ўтказилди, ёдгорликлар ўрнатилди. Алломаларимиз, тарихий қаҳрамонларимизнинг ҳаёт йўллари, ижодига бағишланган йирик асарлар чоп этилди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз халқимизнинг миллий онги, ғуруруни ошириш, маданият, маънавиятнинг юксак тарбияловчилик, жипслаштирувчилик, яратувчилик кучини алоҳида таъкидлади ва маънавиятни юксалтиришни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътироф этди.

Ҳозирда миллий онг, миллий ғурурни юксалтириш, маданият, маънавият бизнинг тафаккуримизни ўзгартирувчи, янги жамиятда яшаш имконини яратувчи феноменал ҳодисага айланмоқда. Миллий қиёфа аслида миллатнинг мавжудлик белгисидир. Дунёда кўп мустамлакачилар ва мустамлака қилинганлар бор. Мустамлака қилинганларнинг кўпчилигида миллий ғурур, маданий тагзамин чуқур бўлмаганлиги учун ҳам ўз миллий қиёфасини йўқотган. Ўзбек халқи эса ўз миллий сифатларини, миллий ғуруруни сақлаб қолди. Бу, албатта, халқимизнинг маънавий жиҳатдан бойлиги туфайлидир.

Гап миллий ғурур ҳақида кетар экан, ёшларимизга, айниқса, ҳарб илмини пухта эгаллаётган ўғлонларимизга бу борада таълим-тарбияни кучайтириш ва мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ёшларимиз қалбига юрт туйғуси, Ватаннинг қадри, шаъни, ор-номус деган тушунчаларни чуқур сингдириб бориш, бу йўлда ўзлигимиз, ўз тарихимиз, маънавиятимиз сарчашмаларидан фойдаланишимиз ўзимиз учун кони фойда. Инсоннинг энг буюк бойлиги унинг Ватанидир. Ёшларимиз онгида ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, унинг қудрати билан барча ёмонликларнинг, ёт иллатларнинг пайини қирқиш, тўфонларнинг олдини олиш ва уларга қарши туриш мумкин. Зотан, инсоннинг барча эзгу ишлари қаторида энг буюги ўз тинчлиги учун курашмоғидир.

Биз аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг жасорати, матонати, ғурури ёшларга ҳамиша маёқдир. Матбуотдан ўқигандим, хорижликлар жаҳонда буюк саркарда сифатида Амир Темурни эътироф этишар экан. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг бу мақомга эришиши, аввало, унинг бугунги Ўзбекистонимизни, ўша вақтдаги Турон юртини бирлаштириб турганлигида ва албатта, бу жипслик замирида миллий ғуруннинг, ватанпарварликнинг буюк кўриниши зоҳир бўлган. Амир Темур ғурури баланд бўлмаган халқ катта бунёдкорликларга ва улкан зафарларга қодир бўла олмаслигини яхши билган. Шу сабабли мўғуллар истилоси туфайли Ўрта Осиё халқларининг топталган ғуруруни кўтаришга бел боғлаган эди. Бунинг учун Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз, Туркистон шаҳарларида тенги йўқ, осмонўпар саройлар, масжидлар, мадрасалар ва мақбаралар қурдирди, халқининг ғурури, фахрини ошириб, тараққиётнинг юксак чўққиларига олиб чиқди. Амир Темур даврида Ўрта Осиёда миниатюра, наққошлик, заргарлик, гилам тўқиш, мусиқа каби санъат турлари юксак чўққиларга кўтарилди. Бу ноёб асарларда аждодларимизнинг юксак иқтидори, ақл-идроки, гўзал туйғулари муҳрланиб қолган.

Амир Темур шахсини мустақиллик рамзига қиёслашимизнинг сабаби ана шунда. Мустақиллик буюк саркарданинг тарихда тутган ўрнига муносиб баҳо бериш имконини берди. Амир Темур даврида Ўрта Осиё халқлари бирлашиб, ҳамжиҳат, аҳил-тотув бўлганлари учун қудратли бўлганлар, илм-фан, маданият ривожланган. Хориждаки, Амир Темур билан фахрланишадими, демак, биз бу буюк бахтнинг эгаси эканлигимиздан кўксимизни ғурурга тўлдирмоғимиз керак. Соҳибқирон бобомиздан мерос миллий ғурур, ор-номус каби тамойилларни қўлдан бой бермасдан, Ватаннинг азиз гўшаларини асрамоғимиз, унинг ҳар қарич тупроғини обод қилмоғимиз порлоқ келажагимизга кафолатдир.

Инсон тафаккуридаги ватанпарварлик тушунчаси ўз она-заминига бўлган меҳр-муҳаббат туфайли шаклланади, юксалиб бораверади. Миллий ғурури баланд бўлган халқ Ватани шаънини янада юксакларга кўтаради. Буни унутмаслигимиз ва шу эзгу йўлда ҳеч нарсадан қайтмаслигимиз керак.

Аъложон ҚЎЧҚОРОВ,
Тошкент ҳарбий округи ҳарбий прокуратурасининг адлия лейтенанти.

Партия ҳаёти

ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши раиси Шарифа Салимова олиб борди.

ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилишда партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раисларининг 1-ярим йиллик бўйича ҳисоботлари тингланди. Улар йил давомида бажариладиган ишлар, янги режалар тўғрисида ахборот беришди.

Йиғилишда асосий эътибор аъзолик бадалларини йиғиш, ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан тақдим этилаётган хатларнинг назорати, уларнинг ижроси, шунингдек, «Аёллар қаноти» ҳамда «Ёшлар қаноти»нинг аҳоли орасида олиб бораётган ишларини таҳлил қилишга қаратилди. Бундан ташқари, вилоят кенгаши ишининг партия нашрида ёритилиши, «Миллий тикланиш» газетасига обунани ташкил қилиш масалалари хусусида сўз борди.

Гулгун РАҲИМОВА.

Фракция йиғилиши

ЙОД ЕТИШМАСЛИГИГА БАРҲАМ БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишига қўйилган бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Бундай масалалардан бири — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига биринчи ўқишда тақдим қилинаётган «Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси хусусида Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси И.Насриев ахборот берди. Унинг айтишича, сўнгги йилларда йод етишмаслиги касалликлари дунё бўйича, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида ҳам тез суръатларда кўпаймоқда ва бу масала аллақачон давлат миқёсида ҳал қилиниши керак бўлган муаммога айланиб улгурган.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига қараганда, сайёрамизнинг 800 миллион аҳолиси қалқонсимон безнинг катталашиши (эндемик буқоқ) билан касалланган, улардан 45 миллиони ақли заифдир. Ўзбекистонда 25,7 миллион аҳолидан 1,29 миллиони эндокрин тизим касалликлари билан диспансер рўйхатида туради.

— Ҳозирги пайтгача йод етишмаслиги касалликларини олдини олишнинг энг асосий йўли — тузни йодлаш масалалари қонуний тартибга солинмаган эди,— деди қўмита раиси қонун лойиҳасининг яратилишига сабаб бўлган омиллар ҳақида сўз юритар экан. — Яъни, муаммолардан бири йодланмаган туз маҳсулотларини ишлаб чиқараётган корхоналар учун ҳеч қандай жавобгарликнинг назарда тутилмаганида эди. Шу боисдан ҳам бу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи махсус қонун қабул қилишга катта эҳтиёж сезилди.

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда туз маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган 65 дан ортиқ корхонанинг бор-йўғи 26 тасигина тузни йодланган ҳолда истеъмолчиларга етказади. Фракция аъзолари бу борадаги хориж тажрибаси билан ҳам таништирилди. Айтилишича, Эронда сўнгги 5-6 йилда тузни йодлаш натижасида буқоқ касалликлари миқдорини 70 фоиздан 20 фоизгача туширишга эришилган.

Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш тадбирларига сарфланадиган харажатлар хусусида берилган саволга И.Насриев: «Бу касалликнинг олдини олиш харажати бир одамга бир йилда 5 центга тенг бўлади, касалликка фақатгина ташхис қўйиш харажатлари эса 8 долларга тушади. Қонуннинг қабул қилинишида давлат бюджетидан қўшимча маблағлар талаб қилинмайди», — дея жавоб берди.

Фракция аъзоси М.Қориева йодланган тузни истеъмол қилиш орқали бу касалликларнинг олдини олиш оила бюджетига фақат фойда келтиришини таъкидлади.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси бу касалликларнинг олдини олишда муҳим қадам бўлишига ишонч билдиришди. Кун тартибидаги навбатдаги масала Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонуни лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳақида Қонунчилик ва судҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А. Жумаев фикр билдирди. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирда мамлакатимиз ҳудудига кириш-чиқиш, транзит тарзда ўтиш муносабатларида кўплаб ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилмоқда. «Ушбу қонун лойиҳаси эса қонунбузарларга нисбатан белгиланган жарима миқдорининг оширилишини назарда тутади», — дейди А. Жумаев.

Фракция аъзоси А. Тўхтабоев Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари ижроси тўғрисида ва иккинчи ўқишда тақдим қилинаётган «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси хусусида ахборот берди.

Йиғилиш давомида, шунингдек, партия фаолияти билан боғлиқ бир қатор масалалар кўриб чиқилди.

Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ.

Долзарб мавзу

КОМПЬЮТЕРДАГИ «ЧОЙХОНА»

ёҳуд Интернетнинг "чат" хизмати ҳақида баъзи мулоҳазалар

Бир куни Интернетда ўзимга керакли маълумотни қидираётсам, ёнимдаги компьютерда ишлаётган ўспиринлар: «Чойхона"га кириб беролмайсизми?", деб сўраб қолди. Уларнинг гапига тушунмаганлигимни айтдим. Улар эса: "Буям биздаканан", деб изтеҳзоли кулиб қўйишди. Кейин таниш-билишлардан сўраб-суриштирсам "Чойхона" деганлари Интернет тармоғидаги ўзаро мулоқот учун ажратилган сайт экан. Буни бошқача қилиб "чат" ҳам дейишади.

Оддий қилиб айтганда, "гап сотиш" маъносини берадиган "чат" Интернет тармоғидаги электрон почта, ўйин, танишув сингари катта тизимлардан. Бугун дунё миқёсида "Yahoo", "Mail", "eBay" сингари йирик Интернет серверларининг "чат"лари билан бирга фақат "чат" хизматини кўрсатадиган сайтлар ҳам, унда ишлайдиган одамлар ҳам талайгина. Сўнгги маълумотларга кўра, бутун дунёда Интернет фойдаланувчиларнинг 23 фоизи "чат"да кўпроқ ишлашади. Юртимизда ҳам "чат" хизмати кун сайин такомиллашмоқда. Хусусан, "Mail.ru" серверининг ушбу хизматида "Ўзбекистон", "Тошкент" бўлимлари ва шунингдек, "Chat.uz", "Narod.uz" сингари сайтлар ҳам истеъмолчилар хизматидадир.

Мамлакатимизда "чат"чиларнинг аксариятини 16-22 ёш оралиғидаги ёшлар ташкил этади. Очиғини айтиш керак, ушбу ёшларнинг кўпчилиги олдиқочди гаплар билан компьютер олдида кунни тунга уламоқдалар. Агар уларнинг оғизларидан чиққан гапларни маънавий жиҳатдан тарозига тортиш мумкин бўлганда, унинг 5 фоиз қисминигина "яроқли" дейиш мумкин бўлар эди. Сўзимизнинг исботи учун "чат"даги мулоқотдан бир парча келтирсак:

Эслатиб ўтамиз, улар ўз исмлари ўрнида лақаб ишлатишади.

Blackboy: — Қатта ўқийсиз?

Madameliza: — ТХД.

Blackboy: — У нимайди?

Madameliza: — Тоза ҳаво дирекцияси(?). LOL(қотиб кулиш)

Blackboy: — Отииз нима?

Madameliza: — Отим йў, эшагим бор.

Blackboy: — Йо, серёз айтинг.

Madameliza: — Кароче, дам.

(Давоми 2-бетда).

● Жамият ва қонун

...Ўта муҳим масала — суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли деб биламан.

Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди.

Ислом КАРИМОВ.

СУДЬЯ МАСЪУЛИЯТИ

унинг ҳаётдаги ўрнини белгиловчи мезондир

Ўзбекистон Конституциясининг 11-моддасида шундай таъкидланади: «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади». 106-моддада эса Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилган.

Яна бир муҳим жиҳат: Конституциямиз фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини эътироф этади. Улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини белгилайди (19-модда). Яъни фуқарони муайян вазиятда маълум бир ҳуқуқ ёки эркинликдан маҳрум этиш ёхуд этмасликни суднинг ихтиёрида қолдиради.

Бугун амалда бўлган қонунчилик шу ва шу каби қўплаб ваколатларни бевосита амалга оширувчи судьяларнинг мустақиллигини ҳар томонлама кафолатлаган. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан, «Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан, судьялар мустақилдир, фақат қонунга бўйсунади. Уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди.

Иккинчидан, давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шарт. Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек, уни очиқдан-очиқ менсимасликдан далолат берувчи хатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлади.

Учинчидан, судьянинг шахси дахлсиздир. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар-жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорти ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Ўз навбатида, қонун судьяга муайян мажбуриятларни ҳам юклайди. Жумладан, «Судлар тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига мувофиқ, судьялар фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва бошқа қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, беғараз ва адолатли бўлишлари, судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик қадр-қимматини туширишга ёки судьянинг холислигига шубҳа туғдиришга мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Судьялар ҳамкасбларининг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Улар ҳокимият вакиллик органларининг депутатлари бўлолмайдилар, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишга, шунингдек, илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир фаолият турлари билан шуғулланишга ҳақли эмаслар...

Юқорида тилга олинганларнинг барчаси қонунларда акс этган қоидалар, талаблардир. Бироқ мустақил мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти, жамиятимизнинг шиддатли ривожи, кенг кўламда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бир сўз билан айтганда, давр судьянинг олдига янада улкан ва айтиш мумкинки, устувор талабларни ҳам қўймоқда. Бу биринчи навбатда судьянинг масъулияти ва уни сўзсиз амалга ошириш, бундай масъулиятни кучайтиришни судья, аввало, ўзидан талаб қилиши зарурлиги билан боғлиқдир. Фикримизча, судьянинг жамиятдаги бугунги ўрнининг даражаси хам биринчи галда судья ўз масъулиятини қай даражада англаётгани, ҳис қилаётгани, ўз бурчини нечоғлик тўкис бажараётгани билан баҳоланади. Зеро, Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма йиғилишида қилган маърузасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида тўхталиб, **«бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилашини»** таъкидлайдилар.

Собиқ шўролар тузуми давридаги суд тизими ҳамда судьялардан фарқли ўлароқ, бугунги кунда суд ҳокимияти ҳам, судьялар ҳам мустақилдирлар ва бундай мустақиллик улкан масъулиятни талаб қилади. «Масъулият» сўзини кўп ишлатганимиз, кўп эшитганимиз учун бу калом гўёки оддийдек туюлади. Ўз навбатида, уни кучайтириш ҳам осондек. Аслида Юртбошимиз томонидан ўртага қўйилган суд органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш масаласи соҳадаги ислоҳотларнинг негизини ташкил этади десак, хато қилмаймиз. Зотан, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва одамларнинг адолатга ишончи қай даражада бўлиши судьянинг ўз вазифасини ҳалол ва сидқидилдан ижро этишига боғлиқ, экан, бундай бўлиши шартдир. Яъни биринчи навбатда у қонуний ва адолатли бўлмоғи лозим. Судья баён этаётган ҳар бир хулоса асослантирилиши, ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмаслиги керак. Гарчи, одатда, судда бир неча тараф баҳслашиб, ўзининг ҳақлигини исботлашга уринса-да, чиқарилган суд ҳужжати барча тарафнинг манфаатларига бирдек хизмат қилмаслиги табиий. Бироқ шундай, суд ҳужжати имзоланиши лозимки, пировардида судда ютқазган тараф ҳам ич-ичидан судьянинг маҳорати-ю одиллигига тан берсин.

Аммо демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир шароитда судья бундай фаолиятнинг ўзи билангина чекланиб қолмаслиги зарур, деган фикрдамиз. Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири, суд-ҳуқуқ соҳасидаги мисли кўрилмаган янгиликлар, мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар, қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар моҳиятини кенг оммага таъсирчан усулларда етказиб боришдан иборатдир. Бунда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш талаб этилади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни оммавий ахборот воситалари томонидан танишитириб ва ёритиб борилиши зарур... Чунки айнан оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрига, фуқароларнинг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти чексиз.**

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи хусусида фикр юритяпмиз. Хўш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида фаолият кўрсатаётган судья ҳамда ходимларнинг ҳуқуқий маданияти, билими, тафаккури ва дунёқараши бугунги кун талабларига тўла жавоб берадими? Мазкур саволга ҳақиқий ижобий жавоб бериш учун ўз устимизда мунтазам ишлашимиз лозим. Қонунлар, фармон ва қарорлар, бошқа адабиётларни шунчаки ўқиш ёки ёдлаш билан мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар бир ҳужжатнинг, умуман, ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, қалбга сингдира олиш лозим. Шундагина уни бошқаларга етказиш осон кечади. 2001 йилда Юртбошимиз шундай таъкидлаган эдилар: **«...Афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгараяпти».**

Суднинг, пировардида бутун давлат ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлашда судьянинг кўпчилик орасида ўзини тутиши, турмуш тарзи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Юксак одоб-ахлоқ, маданият ва бошқа инсоний хислатларга эга бўлиш — бу судьянинг бурчи десак, янглишмаймиз. Ҳалоллик, поклик, камтарлик, ўз тақдирини элу юрт манфаати билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўра билиш, ўзини зинҳор бошқа касб эгаларидан ортиқ тутмаслик, аксинча, бошқалардан кўра масъулияти катта эканлигини ҳис қилиб яшаш судьянинг ҳаёт мазмунига айланмоғи лозим.

Албатта, суд-ҳуқуқ тизимида бугунги кунда бу борада қатор ишлар олиб борилмоқда ва у ўзининг ижобий натижаларини бериши табиий. Шу билан бирга ҳар бир судья, ходим инсон сифатида ўзининг ички салбий туйғулари, яъни нафс, ҳою ҳаваси билан мунтазам кураши бормоғи ҳам лозим. Бу ўз навбатида, судьянинг том маънодаги мустақиллигининг ифодасидир.

Рустам РАСУЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди судьяси.

● Бунёдкорлик ишлари

КАТТАҚЎРҒОННИНГ ҚАДИМ ЙЎЛЛАРИДА

Ҳудудларимизни бир-бири билан боғлаб турган, бизни дунёга олиб чиқаётган бугунги йўлларимизни чин маънода янги замон робиталари, тараққиётимиз ришталари десак арзийди. Айниқса, энг кўп фойдаланадиганимиз — автомобиль йўллари бунга яққол мисол бўла олади.

— Йўлларнинг халқ хўжалигида муҳим ўрин тутишини яхши биламиз. Илгари маҳаллий ва туман аҳамиятидаги йўлларга шунчаки «кўча» деб қаралар, қишлоқлар қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётарди, — дейди Каттақўрғон йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш фойдаланиш корхонаси директори Сайдаҳмад Исломов. — Истиқлол бу борада ҳам катта имконият берди.

Каттақўрғон юртимиздаги энг қадимий шаҳарлар қаторида туриши билан бирга, Буюк Ипак йўлидаги гавжум савдо марказларидан бири сифатида ҳам тарихий аҳамиятга эга. Вилоятлар, қўшни мамлакатларни бир-бири билан боғлаб турувчи йўллар шу кўҳна шаҳарда туташади. Давлатимиз мустақилликка эришгач, халқаро алоқаларнинг кенгайиши, транспорт воситалари қатновининг кескин ошиши билан шаҳар ҳаётида йўл билан боғлиқ муаммолар туғиладиган бўлди. Бу ҳақда корхона директорининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари Абдуазиз Саъдуллаев шундай дейди:

— Бундай мураккабликларнинг юзага келиши табиий эди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларига келиб, Каттақўрғон шаҳри ичидан ўтувчи Самарқанд-Бухоро йўлини шаҳар четидан ўтказиш фикри туғилди. Уч-тўрт вариантдаги таклифлар лойиҳалаштирилди ҳам. Бироқ ҳар гал харажат масаласига келганда марказдагилар мум тишлаб қолишарди. Ниҳоят, 2005 йилга келиб узунлиги салкам саккиз чақирим, қиймати 4 млрд. 205 млн. сўмга тенг бўлган йўл қурилишини бошладик. Ишнинг асосий қисми уддаланди, қолгани йил охиригача якунланади, албатта.


Дарҳақиқат, янги йўлни кўздан кечирарканмиз, катта ҳажмдаги ишлар энг камчиқим лойиҳаларда, тежамкорлик билан бажарилаётганига шоҳид бўлдик. Бирорта ҳам иморат ёки боғ-роғнинг бузилишига йўл қўйилмаган. Яна бир муҳим жиҳати, янги йўл қурилиши маҳаллий аҳолига ҳам чинакам қувонч бахш этмоқда.

Йўл лойиҳасида учта кўприк қурилиши белгиланган. Шулардан бири Нарпай каналига солинмоқда. Қиймати 637 млн. сўм бўлган ушбу қурилишни фарғоналик моҳир кўприксозлар амалга оширмоқда. Кўприкка ҳар икки ёндан келиб туташувчи, ҳар тарафи 400 метрлик масофани созлаш, зичлаш ишларини қорақалпоғистонлик йўлсозлар бажараётир.

Янги йўлнинг аҳамиятли томони, шаҳардаги, айниқса, бозор олдидаги қатнов зичлигини тартибга солади. Шунингдек, обидаларнинг сақланиб қолишида муҳим ўрин тутади. Шу боис йўл бунёд этиш ишидан маҳаллий аҳоли ҳам, узоқ жойларга қатновчилар ҳам мамнун.

Ҳа, йўллар ҳамиша халқ хўжалигида муҳим ўрин тутган. Халқнинг маданияти, турмуши даражаси ҳам кўп жиҳатдан йўлларга боғлиқ. Кўҳна Каттақўрғон шаҳридан ўтган, асрлар оша эл корига яраб келган йўлда амалга оширилаётган ишлар ҳам қадим шаҳарда яна бир муаммонинг ечим топаётганидан далолатдир.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.



Тошкент вилояти Оққўрғон тумани «Бирлик» маҳалласидаги Пўлатовлар оиласини темирчилар сулоласи дейишади. Ота изидан борган Абдуҳошим Пўлатовнинг ишидан кўпчилик мамнун. Шогирдлари ҳам ўзидан ўтаман дейди, деб қўйишади маҳалладошлари у ҳақда гапирганда.

Султонбой ДЕҲҚОНБОЕВ олган сурат.

КОМПЬЮТЕРДАГИ «ЧОЙХОНА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сизга мисол учун келтирилаётган бу суҳбат мулоқотларнинг энг "одоб"ли кўринишларидан. Бундан ташқари "чат"чиларнинг куракда турмайдиган "кўча" сўзлари ҳам борки, гоҳида уни айтаётган тилнинг эгаси одамлигидан шубҳаланасан киши.

Тамаддунимизнинг янги кашфиёти — Интернет кириб келиши ҳаммага ҳар хил таъсир қилди. Айниқса, ёшлигида бундай қулайликни кўрмаган ота-оналар ўз фарзандларининг интернетдан фойдаланишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга интилмоқда. Имкони етган компьютер олиб, Интернетга уланаётир. Баъзилар эса фарзандининг кўнглини кўтариш учун 300-400 сўм бериб, Интернет кафеларда ишлашга рухсат беришмоқда. Бола барибир бола-да. Ё ўйин ўйнайди, ё салпал эсини таниган бўлса, "чат"га кириб гапхона қилади. Кузатувларимиздан маълум бўлдики, юртимизда "чат"чилар сони кескин кўпаймоқда. Интернетнинг кўпам фойдали бўлмаган қисмида ёшларнинг бу даражада ортиши табиий жараён, дейди баъзи ёшлар. Айримлар бунга қарши фикр ҳам билдирдилар.

— Ёшларимизнинг "чат"дан фойдаланишга муккасидан кетиши, менимча, уларнинг тарбияси билан боғлиқ, — дейди Тошкент Давлат педагогика университети талабаси Шерзод Бойқобилов. — Тарбияли одам ҳеч қачон вақтини фойдасиз ишга сарфламайди. Назаримда, вақт ўтиши билан ёшларимиз ўз-ўзидан "чат"га қизиқмай қўяди. Бунга мисоллар кўп. Масалан, Интернет кенг тараққий этган АҚШда "чат"чилар сони доимий, яъни ўзгармайди. Улар туну кун "чат"да банд бўладилар. Қолган ёшлар эса аллақачон бунинг мантиқсиз жараён эканлигини англаб етишган.

— Ёшлар бир кун "чат"нинг фойдасиз эканлигини англаб етади, деб бу масалага жиддий қарамаслик ноўрин, — дейди Тошкент молия институти талабаси Анвар Эрматов. — Ахир, ундан салбий асоратлар қолиши табиий. Шу боис ёшларга нима яхши-ю, нима ёмонлигини айтиш, уларга панд-насиҳат қилиш нафақат ҳар бир ота-онанинг, умуман, ҳамманинг вазифасидир. Айрим болалар уйдан мактабга деб чиқади, лекин дарсга бормайди. Уларнинг кўпчилиги бу пайтда арзонлаштириладиган Интернет кафеларда тараллабедод қилиб ўтиришади. Учтепа туманида бир Интернет кафени биламан. У ерда Интернетдан фойдаланиш соатига аслида 350 сўм, лекин кундузи соат 8 дан 11 гача 250 сўмга арзонлаштирилади. Арзон деб, болалар дарсдан қочмайди, деб ким айтолади.

Сўнгги гап. "Чат"дан бугун форум, мессенжерлар ажраб чиққан. Негаки, уларнинг истеъмолчилар учун фойдаси анча катта. Мессенжерда бир неча киши бир вақтда гаплашиши, ахборот қолдириши мумкин бўлса, форумда бирон манавий-маърифий масалада турли кишиларнинг ўзаро суҳбатини ташкил этиш мумкин. Олди-қочди гаплардан фарқли ўлароқ бу тизимларда жўяли мулоқотлар бўлади. Ушбу сайтлардан фойдаланаётган ёшларнинг орамизда борлиги қувонарли, албатта. Хусусан, www.ziyo-uz.narod.ru веб сайтида ташкил этилган форумда юртимиз маданияти, тарихи ва санъати ҳақида зиёли ёшларимизнинг бамаъни мулоқотларидан баҳраманд бўлиш мумкин.

Қобил ХИДИРОВ.

Пойтахт кўчаларини кезар эканмиз, мустақиллик йилларида халқимиз томонидан амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб қалбимизни ғурур эгаллайди. Шу миллат фарзанди эканлигимиздан фахрланамиз. Ўтган 15 йил тарих учун қисқа давр. Лекин кўчаларни айлансангиз мустақиллик муносабати билан бунёд этилган янги йўллар, кўприклар, осмонўпар бинолар бор шукуҳи билан намоён бўлади.

ЭЪТИБОРСИЗЛИКМИ Ё...

Лекин айрим кўчалардаги плакатлар, пannолар, дўкон пешлавҳаларидаги ёзувлар киши таъбини хира қилади. Шунда беихтиёр ғазал мулкининг султони, ҳазрат Навоийнинг шу мисралари шууримда гавдалангандай бўлади:

Тилга — ихтиёрсиз,
Элга — эътиборсиз.

Неча асрки, ҳазратнинг ашъорлари ўз қийматини йўқотмай келаётир. Қайси соҳани олманг, ул зот назари тушмаган бўлсин. Мир Алишер абадиятга дахлдор шахс. Ўзбекистон Қаҳрамони, эл суйган шоир Абдулла Орипов бу тўғрида шундай ёзади:

Абадият билан қай
сўз эгизак,
Балки яхши орзу,
яхши ниятдир?

Мангулик англанур
Навоий десак,
Навоийнинг
ўзи абадиятдир.

Тил халқнинг маънавий бойлиги, битмас-туганмас хазинасидир. «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганда, элимизда ҳали «қизил империя» ҳукмронлик қилар эди. Бу қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Она тилимизга бўлган эътибор янада ошди.

Шунингдек, юртимизда чиқариладиган китоблар, газета-журналлар, даврий хабарнома ва ўқув қўлланмаларнинг давлат тилида нашр этилиши, муассаса, ташкилот ва жамоат бирлашмаларининг муҳрлари, иш қоғозлари давлат тилида йўлга қўйилиши, халқимизнинг маънавий-маданий савиясини

Сиз бунга нима дейсиз?

ўстиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Натижада узоқ йиллар мобайнида ўзбек тилига бўлган менсимасдан қарашларнинг олди олинди. Аммо ҳамон тилга бўлган эътиборсизлик ҳоллари мавжуд. Масалан, масъулиятсизлик натижасида тайёрланган кўчалардаги плакатлар, ташкилот ва магазин пешлавҳалари дилингизни хира қилади.

Масалан, Навоий кўчасидаги китоб дўкони пешлавҳаси анчадан бери «Китобл» тарзида қаровсиз қолган. Хадрадаги электротехника дўконларидан бирининг пешлавҳасига — «Дўғони» деб, Тошкент Тиббиёт академиясининг эски биносидан шаҳар марказига чиқаверишдаги плакатда «Мустаққиллик» деб ёзилган. Бунақа мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Энг ачинарлиси, бугун айрим газета-журналлар ва китобларда мусаҳҳиҳларнинг хатоси ва эътиборсизлиги натижасида имло хатолари кўплаб ўтиб кетмоқда. Тунов куни ўқитувчи бўлиб ишлайдиган қўшним хафа. «Тинчликми?», деб сўрасам, бир ўқувчисини синф тахтасига чиқариб, топшириқ берибди. Ўқувчи топшириқни бажариб бўлганда, кўпчилик бўлиб хатоларни тўғрилашибди. Шунда бир ўқувчи китобни олиб кўрсатиб: «Китобда шундай ёзилган-ку? Уни олимлар ёзса, сизга шунга асосланиб дарс ўтсангиз, қайси бири тўғри», — деди.

Мусаҳҳиҳларнинг хатосини тушунтиришга анча қийналдим, ўзимни оқлаш учун тўқиб чиқаргандек кўриндим, — дея куюнади қўшним.


Мусаҳҳиҳлар адашиши мумкин. Беайб парвардигор. Бир китобда шунча имловий хато чиқса, китоб чиқаришдек савоб ишнинг масъулияти қайда қолади. Мисол учун М.Умаров ва С.Боқиевларнинг «Нур ва тафаккур» китобидаги имловий хатоларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳозир замонавий ёшларимизнинг севимли машғулотларига айланган Интернетнинг ҳам ўзига хос салбий томонлари бор.

Айтишади-ку, сўз қудратли куч! У энг аввало эзгуликка хизмат қилиши керак. имловий ва орфографик хатолар билан сўз маъносини бузишга ҳеч кимнинг маънавий ҳаққи йўқ.

Олим СУЛТОНОВ.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: ЭЛГА ТАНИҚЛИ ОДАМЛАР

Таҳририят «Элга таниқли одамлар» номли янги рукн очди. Унда турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган, ўзларининг иши билан элга танилган, одамларнинг назаридаги юртдошларимиз тўғрисида мақолалар, лавҳалар, суҳбатлар берилади. Сиз қуйида мазкур рукндаги дастлабки суҳбат билан танишасиз.



САҲНАДАН ТОПИЛГАН БАХТ

Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комиловнинг ижоди жуда серқирра. Актёр ижросидаги ролларни бир-бир ёдга олар экансиз, кўз тегмасин, деб қўясиз ўзбекона лутф билан. Бу ютуқларни санаб ўтиш осон, аммо улар ортида бир инсоннинг бутун умри, машаққатли меҳнати ётганини эсга олганда, бироз ўйга толасиз. Санъаткорнинг ўй-хаёллари, саҳна ортидаги ҳаёти томошабин учун қизиқарли, албатта. Суҳбатимиз ана шу ҳақда.

— Эркин Комиловнинг болалик орзулари қандай эди?

— Аслида театр саҳнасида рол ижро этиш болаликдаги орзуим эди. Эсимда, ўшанда 6 ёшда эдим, онам билан қишлоғимиздан унча узоқ бўлмаган Ўш шаҳрига театр томошасига боргандик. Саҳнадаги ҳамма нарса мени ҳайратга соларди. «Равшан ва Зулхумор» достони асосида яратилган мусиқали драма қаҳрамонларининг юриш-туриши, қўшиқлари, қурол-аслаҳали навкарларнинг ҳолатигача анча вақтгача кўз олдимдан кетмаган. Онам театр ўтмишни ҳам жонлантириб берадиган жой, саҳнадагилар эса актёрлар, деб тушунтирганди менга. Ўшанда уларга ўхшагим келганди.

— Ҳаваскорликдан актёрликкача бўлган йўлда сизга тўғри маслаҳатлар берган устозларингиз... Улардан нималарни ўргандингиз, шогирдларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— 1964 йилда мактабни тамомлаб, ўзимга ўхшаган санъат шайдолари билан Тошкент театр ва рассомчилик (ҳозирги Санъат институти)га келгандик. Ижодий имтиҳонларимиз жуда қизиқ бўлган. Ҳамроҳларим орасида ёлғиз ўзим имтиҳондан ўтибман. Бизга фотиҳа берган Жўрахон Раҳмоновнинг ўшанда айтган «Сен овора бўлмасанг ҳам бўларди», деган гапини эслаб, ўғлим, ўша гапни мен айтганим йўқ, сен ҳам эшитмадинг, деганда ўзимга ишончим ортган. Тошкентга келиб чинакам санъаткорлардан сабоқ олдим. Устозларимизнинг ҳаммаси ҳам талабчан, жонкуяр эди. Олийгоҳдан катта саҳнагача бўлган йўл ҳам анча олис экан. Ғанижон Бўтаев, Неъматжон Неъматов, Ёркиной Ҳотамовадек санъаткорлардан сабоқ олиб, кўп нарсаларни ўргандим.

Бир гуруҳ иқтидорли талабалар — Гулчеҳра Жамилова, Ҳожиакбар Нурматов, Муҳаммаджон Сўфихўжаевлар қаторида мени ҳам ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма тетрига ишга таклиф этишди. Театрда, актёрлар орасида ўзингдан бир кун аввал саҳнага чиққанни ҳам устоз сифатида кўр, деган ёзилмаган қоида бор. Миллий театрда устоз ва шогирдлик анъана сифатида давом этарди. Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов, Сора Эшонтўраева, Зикир Муҳаммаджоновдек санъат дарғалари билан ёнма-ён ишлаш ҳам фахрли, ҳам масъулиятли эди. Ҳар бирининг саҳнадаги ижроси мен учун катта бир мактаб бўлган. Беназир актёр Шукур Бурҳонов, Обид Юнусовлардан актёрлик маҳоратини ўргандим. Театрга келганимга ҳам қирқ йил бўлибди. Шогирдлар ҳақида гапирсам, уларга ўзимда борини ўргатишга интиламан. Устоз шогирдни эмас, шогирд устозни танлайди, деган гап айнан биз — актёрлар учун айтилган.

— Театр ва кино. Бугун қайси даргоҳ кўпроқ вақтингизни олади?

— Театр мени санъат йўлига бошлаб кирган муқаддас даргоҳ. Бу ерда кўп нарсаларни ўргандим. Йиллар ўтиб катта саҳнага чиқдим. Кино соҳасида эса кейинроқ иш бошлаганман. «Амирнинг хуфёна юриши»даги Валихон Эшон, «Юзсиз»даги Бегимқул, «Улфатлар»даги Эркин, «Қиёмат»даги Ғойипов, «Шайтанат»даги Кесак полвон, Довженко киностудиясида суратга олинган «Юлдузлар шуъласи»даги Эргаш Собиров, Ҳиндистонда суратга олинган «О, муҳаббат» фильмидаги миршаб Ҳаким, Кореяда суратга олинган «Тоғлар қалқиди» фильмидаги Маҳмудбеги... Кино ҳам ҳаётимнинг бир қисмига айланиб улгурибди. Телепостановка ва телефильмларда яратган образларимни ҳам кўпчилик яхши таассурот билан эслайди. Айниқса, «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувидаги чиқишларимга тез-тез муносабат билдириб туришади. Радиоспектакларда, дубляжда бўламан, вақт масаласи анча тиғиз. Бугун икки томонда ҳам деярли бирдек ишлашга тўғри келяпти. Кўпроқ вақтим театрда ўтгани яхши, бу жойнинг ўзига хос файзи бор.

— Сиз яратган қаҳрамонларнинг бири бошқасига ўхшамайди. Уларнинг ички дунёсини очиб бериш жараёнида нималарни ҳис қиласиз?

— Кўпроқ халқона образлар яратишни орзу қилардим. Лекин негадир режиссёрлар менга тарихий сиймолар, жаҳон театр саҳнасида қўйилган машҳур асарларнинг қаҳрамонларини беришарди. Уларнинг миллати, дунёқараши ҳам ҳар хил эди. «Йўлчи Юлдуз»даги туркман йигити Авазни «Гирдоб»даги селекционер олим Азиз Қосимов билан, «Абадият қонуни»даги Баччана Рамишвилини Гоголнинг «Уйланиш»идаги Жеваник билан солиштириб бўлмайди, албатта. Режиссёр қўядиган талаб билан баъзида сиз ўйлаган нарсалар бошқа-бошқа бўлади. Саҳнада кўнглингиздагидек қаҳрамон яратиш учун бор куч-ғайратингизни шу ишга сарфлашингиз, содда қилиб айтганда, ўша одам бўлиб яшаш керак.

Томошабинларнинг эътиборини қозониш осон иш эмас. «Уфқ»даги Икромжон, «Алишер Навоий»даги Абдураҳмон Жомий, «Мирзо Улуғбек»-даги Аббос, «Бир қадам йўл»даги Шокир, «Қиёмат қарз»даги Мақсуд-Максим, «Соҳибқирон»даги Боязид, «Юлдузли тунлар»даги Фазлиддин, «Олтин девор»даги Қиличбек... ўйлаб кўрсам, уларнинг ҳар бири бир олам. Йиллар давомида актёрнинг тажрибаси ҳам ортиб борар экан. Саҳнага чиққанимда ҳамма нарсани унутаман, асар қаҳрамонининг ўрнида ўзимни кўраман, унга қўшилиб куламан, афсусланаман. Актёрнинг дунёвий ташвишлари ана шу жараёнда йўқолади. Бизнинг саҳнадан топган бахтимиз ҳам шу.

— Ёш ҳамкасбларингизнинг ютуқ ва камчиликларини нималарда кўрасиз?

— Ёшларимизда етарлича истеъдод бор, лекин уларнинг театрни олий даргоҳ сифатида қабул қила олмаётганлиги, тўйтантаналарга ўчлигини кўриб афсусланаман. Бугун ўз устида ишлашга вақт топа олмаётган ёшлар кейин нимага эришади, билмайман... Актёрлик баъзи ёшлар ўйлаганидек саҳнада ёки экранда ўзини кўрсатиш эмас, тер тўкиб меҳнат қилиш дегани. Улар биринчи навбатда миллий маданиятимизни ўрганишлари керак, ўтмиш билан бугунги кун маданиятини чуқур тушуниш актёрнинг маҳоратини оширади. Саҳна ортидаги ҳаёт тинимсиз меҳнат дегани.

Насиба ОЧИЛОВА, Гули ОЛИМОВАлар суҳбатлашди.

● Нуқтаи назар

Миллий театримиз саҳнасида қўйилган "Ҳасрат боғи" спектакли мени томошабин сифатида ларзага солди. Ҳозирги Ўзбекистон театр санъати усталари – атоқли режиссёрларнинг ҳеч биридан қолишмайдиган, юрагида Ватан ва миллат туйғуси ёниб турган камтарин ва фикратли режиссёрни кашф этдим. Ўзбекистон халқ шоири Шукруллонинг шу номли фожиаси саҳналаштирилгани ижобий воқеа бўлди, бошқаларни билмадиму аммо шахсан мен томошадан чиқарканман, кўнглимда фахр туйғусини ҳис қилдим.

БОШ ҚАҲРАМОН — МУАЛЛИФ ҚАЛБИ!

Мубоҳаса мавзуси — «Ҳасрат боғи»

Спектакль мустақиллик арафасидаги ўн йилликлар тарихини рамзий тимсоллар орқали жонлантириб берган. Асар замирига сингдириб юборилган яхшилик, адолат, гўзаллик ғоялари идроки тоза бўлган руҳларда англашилмас, аммо табиий бир ҳаяжон уйғотади.

Биз шу кунларда Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини нишонламоқдамиз. Шуни унутмаслик керакки, бу йиллар ичида янги авлод етишиб чиқди ва у бундан чорак аср илгари юртимизда қандай воқеалар бўлгани ҳақида кўп нарсаларни билмайди.

"Ҳасрат боғи" спектаклида ана шу воқеаларнинг ҳаётимизда қолдирган излари гавдалантирилган.

Спектаклда Она икки саҳнадагина кўринади. Биринчи сафар кўрғошин тобут устида:

Мен тўйингга
атаганим
сарполаримни
Қандай қилиб
тобутингнинг устига
ёпай?
Ёлғиз эдинг, кимга
мени ёлғиз
қолдирдинг,
Етмасмиди
айрилганим, ахир,
отангдан?! —

деб дод солаётган чоғида... Иккинчи гал партия раҳбари Холиқулов ҳукумат томонидан мукофотланганда унинг ҳузурига кириб, Холиқуловнинг асли кимлигини, ота-онаси кимлигини айтаётганда...

Мен онаман... мен
эшитдим, марҳум
ўғлимнинг
Ўз ватанин эрки учун,
адолат учун
Жон куйдириб
курашувчи дўст-
ёрларини
Қаматмоқчи
бўлганмишсан, бу
ниятдан қайт.
Ахир, улар ўғри эмас,
порахўр эмас!
Сен туҳматчи, хоин-
ларни даставвал йўқот!
Сен билмайсан,
эслолмайсан, ёш
гўдак эдинг,
Отилгандан кейин
отанг халқ душмани
деб
Қариндошлар олиб
кетди опаларингни,
Очарчилик,
қаҳатчилик йиллари
боис,
Не иложки,
топширишди сени
детдомга.

Бу саҳналарни Малика Ибрҳимова жуда катта илҳом билан, улуғвор ва баланд пардаларда маромига етказиб ижро этган. Мен М.Иброҳимова, Т.Мўминов, М.Раҳматов, Л.Элтоева, А.Абдуваҳобов, П.Носиров, Ф.Абдуллаев ва бошқа муҳтарам артистларимизнинг муваффақиятлари ҳақида "Халқ сўзи" газетасида мулоҳазаларимни билдирганман, бу ерда такрорлашни лозим кўрмадим, чунки асосий мақсадим ушбу мақоламда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида эълон қилинган "Икки фикр"га муносабат билдиришдир.

Санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Тоир Исломовнинг мулоҳазалари, айнан бўлмаса ҳам, кўп жиҳатдан менинг фикрларимга тўғри келади.

Аммо Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилором Каримованинг мулоҳазалари бироз оғир таассурот қолдирди. "Мен Тошхўжа Хўжаев, Александр Гинзбург, Баҳодир Йўлдошевларнинг ҳодиса бўлишга арзийдиган кучли асарлари билан биргаликда, кескин танқидга учраган асарларини ҳам кўрганман. Лекин ўша муваффақиятли чиқмаган спектакллар ҳам саҳнавий талқини жиҳатдан "Ҳасрат боғи"дан анча баланд эди", — дейди Д.Каримова. Назаримда, ҳар бир режиссёрнинг ўзига хос томонлари, айни чоғда бошқаларга ўхшамайдиган жиҳатлари бўлади. Албатта, Баҳодир Йўлдошевнинг саҳна санъати соҳасида хизматлари катта. Тожиевой Исроиловнинг услубида Ватанга муҳаббат ва миллат туйғуси аниқ ва кескин шакл-шамойилга эга.

«Шунингдек, асар ғоясига нисбатан рассомнинг рамзий талқини йўқ", — деб ёзади Д.Каримова. Ҳолбуки, рассом Флюра Газизова тўрттагина нуқта: чойхона, Ленин майдони, кабинет ва кўча орқали 80-йиллардаги тарихий манзараларни томошабин кўз ўнгида гавдалантира олган. Д.Каримова амалпараст Холиқулов ва хушомадгўй Мэлснинг ўзгаришлари ваъз таъсиридан кейин тўсатдан юз берди, дея изоҳлаб, буни ишонарсиз чиққан деб ҳисоблайди.

Спектаклни кўрмаган газетхонга гап тушунарли бўлсин учун айтиб ўтайлик. Холиқулов (Т.Мўминов) чиндан ҳам амалпараст, аммо у ўз таржимаи ҳолини яхши билмайди. Ваҳоланки, унинг отаси шахсга сиғиниш даврида миллатчиликда айбланиб отилиб кетган. "Детдом" (мехрибонлик уйи)да улғайган, эндиликда раҳбарлик ишларида кўтарилиб бораётган ва баъзи ўзига садоқатли кишиларни юқори мансабга кўтариб ишлаётган шахслардан бири. Унинг қабулига келган она Холиқуловнинг отаси қатағон қилинганини ва у ҳозир қўлларида қўлтиқлаётган йигит – Мэлснинг отаси Холиқуловнинг отасини туҳмат билан қаматтирганини айтиб беради. Хўш, айтингчи, шундай ҳолга тушган одам ўзгармай қолиши мумкинми? Мэлс — Меҳриддин Раҳматовга келсак, у ўз отаси, ҳатто севгилисининг отасини ҳам оттириб юборган хоинлардан эканини эшитганда ва севгилиси у билан бир ёстиққа бош қўёлмаслигини айтганда ўзгармай қолиши мумкинми?..

Танқидчи асарда бош қаҳрамон «йўқ»лигидан ҳам қаттиқ ранжиб, "Ҳасрат боғи"да бош қаҳрамон ким?" деб масалани кўндаланг қўяди. Ваҳоланки, бош қаҳрамон одамларни шафқатга, тўғриликка чақираётган замон, муаллифнинг юраги, қалби!

Мен Дилором Каримованинг ўз мақоласи сўнгида айтган спектаклдаги режиссёрлик кашфи ҳақидаги фикрига тўла қўшиламан. Тоир Исломовнинг ёшлар бу асарни томоша қилишса, ҳозирги эркин фикрлаш, эркин яшаш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари қоғозда эмас, амалда ҳимояланган даврнинг қадрига кўпроқ етади, деган фикрларини жуда ўринли деб биламан Шу маънода бу спектаклни барча мактабларга, қишлоқ ва шаҳарларга етказиш керак, деб ўйлайман. Ҳамда "Ҳасрат боғи"-ни Миллий театримизнинг Мустақиллик байрамига энг муносиб совғаси, деб тушунаман.

Миразиз АЪЗАМ.

● Такрор мутолаа

Омон МУХТОР

КЕЧАГИ БОЛАЛАР

Ҳикоя

1

Отасининг дўсти ҳар гал ундан сўрайди:

— Отинг нимайди?!

— Насим...

— Неччига кирдинг?!

— Саккиз...

— Уйланганмисан?!

Насим қўлларини қаерга қўйишини билмай, қорнига босади; хижолат чекиб, кифтини қисади, бошини бир ёнга қийшайтиради. Уйланиш нега керак?! Қандай уйланади?! — яхши билмаса ҳамки, отасининг шаҳарлик дўсти берган саволдан ноқулайлик сезади; уялади. Шу билан бирга, бундай пайтларда у негадир аллақачон уйланиш вақти етгану уйланмай юргандек ҳолатга тушади. Яна қизиқ жойи, шундай пайтларда унинг шу кунлардаёқ, тез уйлангиси келиб кетади! Ўзи таниган қишлоқдаги қизчалар афт-ангори бирма-бир кўзлари олдидан ўтади. «Робияга уйланса-саммикан?! Мискинагами?! Мен билан ҳаммадан ҳам, Қундуз яхшироқ гаплашади! Лекин Қундуз менинг дўстим... Дўстга уйланиш мумкинми?!» Насимга ҳозирча у фақат, кимга уйланишни билмаётган ва шундан қийналаётгандек бўлиб туюлади...

2

Атрофни қоронғи қоплаган. Уйда, сандал устида бешталик лампа милтиллайди.

Беш-олти киши сандал атрофида, сандалга оёқ суқиб ўтиришибди. Улар нималардир ҳақида қизғин сўзлашишаяпти. Уй сарғиш нурга чўмган. Бу ердагиларнинг узун-калта соялари — қишлоқ чеккасидаги майдонда кино кўрсатилган пайтлар бўлганидек! — оппоқ деворга тушиб, хаёлий бир тусга кирган. Тебранади. Энгашади. Шифтгача кўтарилади.

Дераза ортида туриб, бир тўп қишлоқ болалари уйга мўралашади. Ичкаридагилар уларга эътибор беришмайди. Болалар кеч куз аёзида дийдираб, олмахонлардек секин, товушсиз ирғиб, сакраб-сакраб туришади. Бир-бирлари билан сурилишиб, бир-бирларининг пинжига кириб, исинишади. Улар бари ўз чопончасига ўранган. Лекин кимнинг бошида бужур телпак, кимнинг бошида қорами-қизил бахмал каллапўш-дўппи, кимдир эса бошяланг. Қоронғида уларнинг кўзлари йилтирайди. Бир-бирига гал бермай, бидирлашади, чуғурлашишади. Ичкарига тез-тез кўз ташлашади. Катталар эмас, сандалда исиниб, дадаси ёнида тиқилиб ўтирган бола уларни қизиқтиради.

— Отаси билан шаҳардан келган!

— Нима қилар экан?

— Шу ерда юрмоқчи!

— Бир одам, бир бола билан катта йўлда машинадан тушиб келаётган эди. Шулар экан-да!

— Отаси муаллим! Мен Саксон тоғадан сўрадим...

Ичкарида дастурхон ёзилиб, ош дамлаб келингунича, болалар деразадан нари кетишмайди.

...Кейин, дарё ёқалаб, қирга чиқиб кетишади.

Осмон тўла юлдуз. Учади. Сўнади.

Янги ой узоқ денгизда кўринган қайиқдек, енгил, беозор юзади.

Бедазордан чириллаган товушлар эшитилади...

Майсазорда қушлар питирлайди.

Кўл томонда қурбақалар қуриллайди.

Болалар кул уюлиб ётган ерга келиб тўхтайдилар. Улар ҳас-чўп йиғишади. Ўзлари дарё бўйидан олиб келиб, териб қўйган тошлар устига ўтиришади. Гулхан ёнади. Олов узун тилини чиқариб, лабларини ялайди.

Энди уларнинг афт-ангори яхшироқ кўринади. Улар саккиз-ўн ёшларда. Юзлари офтобда пишган, сочлари, қош-кўзлари қора — қиёфаларидан ҳам, ўзларини сипо тутишлари билан ҳам, кап-катта одам! Лекин гап-сўзлари — бола; уларнинг болалиги ҳали ўтмаган.

Буларни ким айтади,
Кечаги болалар, деб —
Бугун қўниб қолибди
Чекка сочларига оқ...

(Эски қўшиқ)

— Бугун Насим биз билан бўлмади-да!

— Кўрдинг-ку, ош еб ўтирибди!

— Ўзи, у, бизга кам қўшиладиган бўлиб қолди!

— Бундан буёғи қўшилмайди ҳам! Уйда иши кўп!

— Эй болалар, эшитдингларми, Насим уйланаман, деб юрибди! Менга ўзи айтди!

— Ҳозирданми?! Жинни! Хотинни нима қилади?! Бурнини артсин!

— Биров ҳазиллашса, ишонган бўлса керак-да! У жуда содда!

— Олдинги пайтлар саккиз эмас-ку, ўн тўрт-ўн беш ёшда болалар уйланган! Менга Саксон тоға айтдилар!

— Насим биздан анча олдинга кетиб қолган! Айби шу! Сизлар бекорга ундан куляпсизлар...

3

Насим эрталаб ҳовли ёнидан ўтган сувда юзқўлини ювади. Уйга кириб, нонушта қилади; ҳар кунгидек бир коса ширчой ичади.

Ниҳоят, ҳовли орқасидаги илонизи сўқмоқдан сигирини кўл томон етаклаб бора бошлайди. Сигирнинг бўйнидаги арқоннинг бир учини қўлларига ўраб, қўлларини чоллардек белига тугун қилиб олган! Унга бош эгиб, хомуш эргашган сигирга — уйда иши кўп бўлса ҳамки — қисталанг қилмайди; сигир тўхтаб-тўхтаб, йўл четларидан ўт чимдиб, юрсамми-юрмасамми, қабилида эринчоқ судралади.

Қамишзор — кўл бўйига етиб келгач, Насим қозиқ қоқиб, арқоннинг учини боғлайди. Энди жонивор кечгача шу ерда ўтлаб ётиши керак!

У кўлнинг иккинчи бетидан айланиб, уйга қайта бошлайди. Шу пайт қамишзор этагида ўтирган кимнингдир қизил рўмолига кўзи тушади.

Насим шошганича яқинлашади. Тўхтайди.

Шамолда рўмол ҳилпирар, рўмол остидаги ингичка елкалар силкиниб-титрар эди!

Насим лаҳза ичида, бу — Робия эканлигини сезади. Робиянинг ёлғиз йиғлаб ўтирганини ҳам сезади. Ва лаҳза ичида, тунов куни Робиянинг онаси ўлгани-ю, катталар қирнинг бир этагидаги қабристонга кўйиб келишганини эслайди.

У япаси бир тош устида чўнқайиб ўтирган қизчанинг ёнига боргиси, оёқлари остида тиз чўкиб, яқиндан, пастдан юз-кўзларига қарагиси келади. У яна, йиғлама, биз кўпчилик — бутун қишлоқ, мен сенинг дўстингман, деб қизчага ўзича таскин бергиси келади! Лекин шу сонияда унга, Қундуз кўпроқ дўсти эканлигидан, Робияга нисбатан ўзи қачондир хиёнат қилгандек бўлиб туюлади. У беихтиёр ўкинади ва худди шу сонияда, олдинги ҳолатга зид, унга ўзи дунёда Робияни ҳаммадан кўп қадрлаган, яхши кўргандек ҳам бўлиб туюлади!

Насим кўксини тўлдириб келаётган силсилага чидаёлмай, югура бошлайди. Қамишзор — кўлдан анча нарига боргач, бирдан ҳўнграб юборади...

4

Ўрта ёшлардаги бир жувон беш-олти ёшдаги икки оёғи мажруҳ қизчани автобусга, митти қўлтиқтаёқлари билан бирга, кўтариб чиқади. Ўрнига жойлаштириб, ёнига ўтирганича, секин, аммо чуқур хўрсинади.

Қизча афтидан, бепарво, ҳатто қандайдир бахтиёр! Завқланиб, ойнадан кўчага қарайди. Ойисининг қўлларига аста тегиб қўйиб, нималарнидир шипшийди. Ойиси вазмин бош силкитади.

Йўловчилардан биров уларга ачиниб қарайди. Биров юзини четга буради; уларни кўрмаганга олади.

Автобуснинг олд-орқа қопқаларидан бир тўп бола лип этиб киришади. Улар назоратчи йўқмикин, деб у ён-бу ён аланглашади.

Қизчаси билан ўтирган жувон уларга ғамгин тикилади. Қизча ҳам тикилади. Болаларнинг шўхлиги, шумлигими, негадир унинг кулгисини қистатади. Ойнага юзини босиб, беозор кулади...

Автобусда кетаётган Насим жувонга, қизчага разм солади.


Болаларга қўшилиб, улардан ўтказиб, нақ масхарабозга айланиб, унинг ҳам турфа ҳунарлар кўрсатганча, қизчани суюнтиргиси келади! Бироқ у биринчи навбатда, ўзининг устбоши қишлоқча-қўполроқ эканлиги-ю, бу намойишда ундай қилолмаслигини ҳис этади. Кейин, умрида аввалдан сипо юришга одатлангани-ю, унга ўйин ярашмаслигини ҳис этади! «Сенинг ўйининг ҳам, ҳаётинг ҳам — меҳнат!» деган бир гап хаёлидан кечади.

Жувон қайтиб автобусдан кўтариб тушган қизчанинг ортидан ҳамон разм солиб, Насимнинг беихтиёр киприклари намланади. Унга ўзи бу дунёда — ҳеч ким эмас! — мана шу қизча учун яшаб юргандек бўлиб туюлади...



Осойишта
замонда яшаш
Бунча гўзал,
бунчалар маъсум,
Қўлимдаги гулдан
чиройли
Лабимдаги гулгун
табассум.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.



Сезилмайди масофалар-да, Олис-олис йўллар сўнгида
Яқин бўлса юраклар, диллар. Бизни кутар нурли манзиллар.

Ҳусанбой АББАЛОВ олган сурат.

● Тафаккур бекати

ҲАММАСИ ҲАЁТ ҲАҚИДА

Яхшилик мажбурият эмас. У фақат шунчаки, эзгу ниятли, пок қалбли, саховатли инсонларнинг оддий юмуши, холос. Барча бажариши шарт бўлмаган...

* * *

Сен менга ўзинг ҳақингда ҳадеб гапираверма. Сўра-чи, аввал, менга бу нарсаларнинг қизиғи бормикан, ўзи?!

* * *

Унинг юраги бахтсизликка шундай кўниккан эдики, бахтни кўтаролмади.

* * *

Оддийгина қилиб айтганда, ўзгалар дарду ташвиши билан яшаётган кимсани ҳар қанча севса арзийди.

* * *

Фикр соат эмаски, бири иккинчисига қараб тўғриланса.

* * *

Ким нимага ўзини мажбур сезади, демакки, ўзида шунга эҳтиёж бор. Ким нимагаки ўзида эҳтиёж сезади, демакки, шунга мажбур.

* * *

Ҳадеб ўз-ўзингни хаспўшлашингдан... сени унутишган кўринади!

* * *

Инсон инон-ихтиёри, хоҳишидан ташқари рўй берган ҳамма нарса мажбурийлик ва зўравонлик ҳосиласидир.

* * *

Инсон қанчалар тараққий этаркан, у жамият, иш, оила олдидаги масъулиятни тўлароқ англай бошлайди. Зеро, бурч ва вазифа каби тушунчалар маънавий юксак, етук инсонларгагина хосдир.

* * *

Одамнинг қадр-қиммати ҳар қандай шароитда ўзлиги-ю инсоний қиёфасини сақлаб қола билишида кўринади.

* * *

Кўпроқ заиф ва ожиз нарсалар асралишга мойил бўлади. Негаки, бусиз уларни сақлаб бўлмайди. Аксинча, ичи пишиқ-пухта нарса ўзидан хавотирда бўлганлиги боис, унга ҳимоя керак эмас. Шу боис ҳам у хотиржам...


Саодат УМУРЗОҚОВА.

● Китобингизни ўқидим

«СИРДАРЁ ТЎЛИБ ОҚҚАНДА»

Шеър кўнгил мулки. У ижодкорнинг юрагидан тўкилган дард. Шоир ҳеч қачон ўз кечинмаларини сир сақлолмайди. У доим юрагини тўкиб солади. Ҳақиқий шеър изтиробдан бино бўлади. Куйган жойдан куй чиқади, деб бежиз айтишмаган. Гули Нигорнинг шеърлари ана шундай дарднинг меваси эканлигига унинг китобини ўқигач, ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Қўлимда шоиранинг мўъжаз китобчаси. Уни



Сирдарё тўлиб оққанда

«Сирдарё тўлиб оққанда» деб номлабди. Бу сўзлар замирида юракка сиғмаган орзулар мужассам. Инсон қалбини бежиз дарёга қиёсламайдилар. У гоҳида ўзанига сиғмай тўлиб оқади. Балки ана шундай вақтларда шеър деган синоат дунёга келар:

Гули Нигорнинг бир шеърида баҳорнинг қайтиши шундай тасвирланади:

Баҳор кетиб борар
сулув қизларнинг,
Сочи тарк айлаган
толбаргакларда.
Меҳр билан силаб
неча кўзларни,
Ерга бошин қўйган
бойчечакларда...

Баҳор бу сизнинг беғубор болалигингиз. Фақат уни ортга қайтаришнинг имконияти йўқ. Энди ана шулар ҳақида узоқ хаёлга толасиз. Ижодкорнинг нигоҳи теран бўлади. У кўнгил кўзи билан бошқалар пайқамаган, ёнидан индамайгина ўтиб кетган қувончу ташвишларни кўра билгани, қоғозга тушира олгани билан бахтли.

Яна бир шеър дарахт ҳақида.

Зангор теракларнинг
бағрида хазин,
Заррин ранг, бир қўшиқ
кетар шовуллаб.
Қуёшнинг нурлари
жудаям қизил,
Бағрида хотира
ёнар ловуллаб.

Ҳа, дарахтларнинг ҳам орзу-армонлари бўларкан, фақат уларнинг сўзларини англаш учун шоиранинг кўзи билан боқинг, беихтиёр дарахтлар билан суҳбатлашгингиз уларнинг дардларини тинглагингиз келади.

Ватан бу тушларингга,
Кирган она қишлоқдир.
Аждодларинг мозори,
Устидаги тупроқдир.

Гули Нигор гўзал манзаралар чизади. Мисралар бағрида она-Ватан, унинг бетакрор кўринишлари ўзининг мусаввирона қиёфасини топади. Бу туйғуларни ҳис қила олиш учун у билан шеърият бўстонига сайр қилиш керак.

Ўйлаймизки, бу китоб сизга ҳам манзур бўлади ва қалбингиздан муносиб ўрин эгаллайди.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

● Фалак сирлари

БИЗНИ ТИНГЛАЁТГАН ОЙ ВА УНИНГ ТАҚДИРИМИЗГА ТАЪСИРИ ХУСУСИДА

Ҳеч эътибор берганми сиз...

Ой тўлган кезларда осмон янада чиройли тус олади. Юлдузлар ҳам ёрқинроқ чарақлайди. Фусункор кечанинг гўзаллигини ҳис этиб, беихтиёр туйғулар жўшади, кўнглимизга бир дунё орзулар меҳмон бўлади. Ички ажиб ҳолатимиздан ўзимиз ҳам ҳайратга тушамиз. Аслида бу бежизга эмас экан. Кўкда сузаётган ой бизнинг руҳиятимизга ўз таъсирини ўтказаркан!

Тўлин ой ҳақида биз нималарни биламиз?

Кўп йиллар аввал космик кемани Ой сатҳига қўндирган америкалик астронавтлардан бири у ерда ғалати товушни эшитади ва бу чўзиқ нидо унинг хотирасига муҳрланиб қолади. Кейинчалик у университетларнинг талабалари билан учрашувдан қайтаётиб, мусулмонлар масжиди ёнида беихтиёр тўхтаб қолади ва шеригидан сўрайди:

— Бино ичидан қандайдир товуш келаяптими?

— Ҳа, азон айтишаяпти.

Астронавт узоқ ўйланиб тургач, таажжубланиб сўзлайди:

— Қизиқ... Мен худди шу товушни Ойга қўнганимда ҳам эшитгандим.

Орадан вақтлар ўтиб, Россия матбуоти саҳифаларида Лела исмли ғаройиб қизалоқ ҳақидаги мақола босилади. Унда ёзилишича, қизча одатдагидан тезроқ ўсар, ён-атрофидагиларнинг нимани ўйлаётгани ҳақида бехато гапириб берарди. Қиз тўрт ёшга тўлгач, коинотга парвоз қила бошлайди, у асосан Ойга учарди. Вужуди чуқур уйқуда, руҳи эса олис самода кезиб юрарди. Қизалоқнинг Ой сайёраси ҳақидаги ғалати ҳикояларини эшитгач, ота-онаси уни психиатр қабулига етаклаб боради. Аммо врачларнинг хулосасига кўра қизча соппа-соғ экан!

Кўкда Ой сузиб юради...

Астролог олимлар фикрича, танамизнинг икки бўлаги икки хил талқин этиларкан. Ўнг томон эркакларники ҳисобланиб, Қуёшга бўйсунади, чап томон эса аёлларники ҳисобланиб, Ой таъсирида шаклланади. Қуёш руҳга, Ой дилга ҳукмронлигини ўтказади. Масалан, эркакларнинг ўнг томонида, аёлларнинг эса чап томонида жойлашган барча аъзолар (қулоқ, кўз кабилар) йирикроқдир. Ҳатто нор, хол ёки шу хил бошқа аломатлар ҳам эркакларнинг ўнг томонида, аёлларда эса чап томонда бўлган тақдирда хосиятлидир. Бордию, эркакларда ўнг эмас, чап кўз каттароқ бўлса, демак, шу кишига Ой кучлироқ таъсир қилади.



Мутахассислар хулосасига кўра эса сутдай ёруғ оқшомларда Ой гардиши одамларни худди магнит сингари ўзига тортади. Шундай кунларда руҳиятимизда безовталиклар кузатилади. Нохуш таъсиротлар оқибатида турли қонунбузарликлар, салбий ҳодиса ҳамда ёмон воқеалар юз беради, гоҳо. Ой сатҳида рўй бераётган ўзгаришлар инсонга лаҳзама-лаҳза таъсир қила боради. Улар тушкун ва маъюс, важимали хаёлларга берилувчан бўлиб қолишади. Уйқулари нотинч кечади, алоқ-чалоқ тушлар кўрадилар. Ой тўлган кунларда бадандаги янги жароҳатлар (ёхуд жарроҳлик пайтида қўйилган чоклар)нинг битиши қийинлашади. Худди шундай кезларда аёллар кир ювсалар, яхши оқармас экан!

Агар сиз бирор жойингиздан сўгални йўқотмоқчи ёки этингизга ўсиб кирган тирноқни олдирмоқчи бўлсангиз, аввал самога боқинг. Чунки бу сингари юмушларга тўлин Ой акс таъсир кўрсаткан. Тибет шифокорлари тавсиясига кўра жигарни тозалаш ишлари Ой тўлганда бажарилса, кутилган натижани беради. Деҳқонлар тажрибасига кўра эса тўлин Ой шимолда кўринса, ой давомида иссиқ ҳаво кутилади.

Шуниси қизиқки, Ой ярим доира ҳолига келиб турганда қилинган жарроҳликлар ўрни тез битиб кетаркан. Худди шундай кунларда соғломлаштириш муолажаларини олаётган, юз териси ёки танасини парваришлаётган киши яхши натижаларга эришаркан. Чунки бу вақтда одамнинг танаси қон билан яхши таъминланади, етарли даражада намланиб туради. Фойдаланилган крем ва дори-дармонларнинг таъсири ҳам ижобий бўлади, бундай вақтда сочлар жуда тез ўсади, агар у бўялса, бўёғи узоқ вақтгача кетмасдан туради. Ойнинг ўроғи чапга бурилиб турганда шифобахш ўсимликларнинг барглари ва гулларида фойдали моддалар ниҳоятда кўп йиғилади, шу вақт ичида уларни териб, қуритиб олинса, айни муддаодир.

Маълумки, Ой ҳар 28 кунда тўлади. Ой тўлган кезларда эркакларнинг чекишни ташлаши осон кечади. Парҳез ҳам фойдали таъсир кўрсатади. Яхши дам олиш ва овқатни камроқ ейиш лозим. Негаки, бу кунларда бутун танамиз тозаланишга тайёр бўлиб тураркан.

Жисмингиздаги барча нохушликларни бартараф этмоқ учун ўзингизга эътибор қаратинг. Тўлин ойли кечаларда юраги хаста кишилар валериана қайнатмаси ва турли тинчлантирувчи чойларни ичиб туриши зарур. Уйқуга ётишдан олдин бир қошиқ асал солинган илиқ сутли чой ичиш, айниқса, фойдали.

Ой ўроғи ўнгга бурилиб, «С» ҳарфига ўхшаб турганда инсон куч-ғайратга тўлиб-тошади. Бундай вақтда соғлиғингизни мустаҳкамлаш чораларини кўринг. Ой кичраяётганда газанда (қичитқи ўт)дан чой тайёрлаб ичинг. Бир литр сувга бир ошқошиқ қуритилган қичитқи ўт солсангиз бас, бу қайнатма танангизни тозаловчи муолажа сифатида таъсир кўрсатади. Ой қайтаётганда (яъни Ой тўлиб бўлгандан сўнг) киши танасида оғриққа сезгирлик камаяди. Юзни тозалатиш, сўгалларни ва тирноқларни олдириш муолажалари ўша кунларда бажарилгани маъқул. Тўлин ой астасекин кичиклашиб, бир неча кун кўринмай қолади. Худди шу кезларда бадан қуввати кўпаяди, жисмоний фаоллик учун имкон яратилади.

Ой янги чиққан дамларда Ердаги намлик миқдори, атмосфера босими, ҳарорат ва электр майдони кескин ўзгаради. Агар танамиз кучсизланган ‘ёки унда сурункали хасталиклар кечаётган бўлса, Ой янгилигида муолажани тезлаштиришимиз шарт. Чунки бу вақтда қон босими бирданига ошиши ёки юрак-ишемик хасталиклари хуружлари кўпайиши мумкин.

Қадимги аждодларнинг таъбирича, Ой тик чиқса, Ер тинч бўлармиш. Ой янгилигида ток қаламчасини пайванд қилманг, барибир фойдасиз, дейишади деҳқонлар. Чорвадорлар эса: «Ой янгилигида байталнинг сути қуюқ, бироқ таъми бемаза бўлади», — дейдилар. Момоларимиз айтишларича, агар узоқ йиллар фарзандсизлик туфайли изтироб чекаётган эр-хотинлар Ой тўлганда баланд қир устида қовушсалар, албатта фарзандли бўлар экан.

Сутдай ёруғ кеча...

Бундай тунларда сиз Ойга боқинг ва дардларингизни шивирлаб айтинг. У сизга қандай маслаҳат бераркин?

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Жаҳон ҳафта ичида

«Сув париси» операция столида

Перулик врачлар анча кам учрайдиган касаллик — “сув-париси синдроми” (сиреномелия) билан оғриган икки ёшли қизни операция қилишди.

Операция асоратларсиз ўтган ва қизалоқ ҳозир барқарор ҳолатда, деб хабар беради Associated Press.

Қизалоқни ота-онаси унинг тез орада юриб кетишига ишонишмоқда. Лекин врачлар тикланиш 10 йил давомида амалга ошишини таъкидлашган. Ҳали қизалоқ ички органларни бирбиридан ажратувчи туркум операцияларни бошидан ўтказиши лозим.

Сиреномелия жуда кам учрайдиган касаллик саналади — туғилган 70 минг чақалоқдан биттаси у билан касалланади. Шу пайтга қадар бу касаллик билан оғриган беморларнинг уч нафари яшаб қолган. Улар орасида икки ёшли Милагрос ҳамда америкалик 16 ёшли Тиффани Йоркс ҳам бор.



Хитойда ахборот тарқатишнинг янги қоидалари

ХХРнинг давлат ахборот агентлиги “Синьхуа” томонидан янги ҳужжат тайёрланди. Унга кўра, агентлик хориждан кириб келувчи ахборотларни назорат қилувчи ягона қонуний ташкилотга айланади.

Якшанба куни агентликнинг сайтида эълон қилинган матнда айтилишича, мамлакат ҳудудида ахборот тарқатишни кўзлаган хорижий ахборот агентликлари бу ишни «Синьхуа» томонидан танланган махсус агент орқали амалга ошириши мумкин.

“Хитойда хорижий ахборот агентликларининг ахборот ва янгиликларини тарқатишни назорат қилиш чора-тадбирлари” деб номланган ҳужжатда ахборот тарқатишга бир қанча чекловлар қўйилган. Шундай қилиб, Хитой конституциясининг асосий принципларига зид келувчи, миллий бирликка рахна солувчи, ХХР хавфсизлигига таҳдид қилувчи, миллий ёки диний қарама-қаршиликни келтириб чиқарувчи ахборотларни тарқатиш таъқиқланади.

Тони Блэр истеъфога чиқмоқчи



Буюк Британия бош вазири Тони Блэр тез орада истеъфога чиқиши ва ҳукуматни, айни дамда молия вазири вазифасида ишлаб турган Гордон Браунга топширишини маълум қилган.

Эслатиб ўтамиз, Тони Блэр 1997 йилдан буён бош вазир лавозимини эгаллаб турибди. Блэр ўз лавозимини қачон топширишини аниқ айтмаган, аммо унинг таъкидлашича, “2009 йилги сайловларга тайёргарлик кўриш учун Браунда вақт етарли”. “The Independent” газетаси тарқатган хабарларга кўра, бош вазирнинг истеъфоси 2007 йилнинг ёзида эълон қилинади.

Жанубий Осетияда референдум

Жанубий Осетия мустақиллик тўғрисидаги референдумни ўтказишга тайёрланмоқда, деб хабар беради РИА Новости. Маълумотларга қараганда, референдум шу йилнинг 12 ноябрида ўтказилади.

Бу ҳақда тан олинмаган республиканинг оммавий ахборот воситалари ва матбуот қўмитаси раиси Ирина Гаглоева маълум қилган.

Унинг сўзларига кўра, Жанубий Осетия Республикаси Президенти Эдуард Кокойта ушбу қарорни душанба куни ўтказган йиғилишида эълон қилган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги “AMALIA-STARS” хусусий корхонаси “AMALIA-STARS” масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Маълумот учун телефон: 121-81-70.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй*

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1123.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00